

2019

THE BOOK OF NASIRUDDIN SAMARKAND'S «RIYADH UL-AHLOQ» – AS A IMPORTANT SOURCE ON UPBRINGING MORALITY

Bekzodbek Muxtarov

International Islamic Academy of Uzbekistan, abdulbosit.2014@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw>



Part of the [Arts and Humanities Commons](#)

Recommended Citation

Muxtarov, Bekzodbek (2019) "THE BOOK OF NASIRUDDIN SAMARKAND'S «RIYADH UL-AHLOQ» – AS A IMPORTANT SOURCE ON UPBRINGING MORALITY," *The Light of Islam*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 18.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw/vol2019/iss2/18>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

Bekzodbek MUXTAROV,
International Islamic Academy of Uzbekistan,
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

НОСИРУДДИН САМАРҚАНДИЙНИНГ «РИЁЗАТ АЛ-АХЛОҚ» АСАРИ – АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ БОРАСИДА МУҲИМ МАНБА

КНИГА НАСИРУДДИНА САМАРҚАНДИ «РИЯД АЛ-АХЛАК» – КАК ВАЖНЫЙ ИСТОЧНИК ВОСПИТАНИЯ ПРАВСТВЕННОСТИ

THE BOOK OF NASIRUDDIN SAMARKAND'S «RIYADH UL-AHLOQ» – AS A IMPORTANT SOURCE ON UPBRINGING MORALITY

Калит сўзлар: Самарқандий, «Риёзат ал-ахлоқ», одоб, ахлоқ, тарбия, тасаввуф, зуҳд, зикр, манбаишунослик, қўлёзма,

Ключевые слова: Самарқанди, «Рияд ал-ахлак», мораль, нрава, воспитание, суфизм, зикр, зуҳд, источник-ведение, рукопись.

Key words: Samarkandiy, Riyadh ul-ahloq, morality, upbringing, tasawwuf, dhikr, zuhd, source studies, manuscript.

Асрлар мобайнида ислом жамиятида ёшларга таълим ва тарбия биргаликда бериб келинган. Ҳатто, кўплаб устозлар тарбияни илм олишдан аввалги ўринга қўйишган. Улар ёшларга илм ўргатишни бошлашдан олдин уларга одоб-ахлоқ илмидан сабоқ беришга ҳаракат қилганлар. Уламолар одобсиз кишига таълим беришни ақлсиз одамнинг қўлига қилич тутқазиб билан баробар деб ҳисоблаб, одобсиз инсонга илм ўргатиш унга шараф эмас, тубанлик олиб келишига сабаб бўлади, натижада, унинг ахлоқсизлиги жамият аъзоларининг нафратига, унга эргашганларнинг эса тўғри йўлдан тойилишига олиб келади, деб билишган. Шу сабабдан асрлар мобайнида инсоният жамоалари, хусусан, шарқ халқларида ахлоқий тарбияга катта эътибор бериб келинган ва ҳозирда ҳам бу ҳолат давом этмоқда.

Ахлоқий тарбия борасида кўплаб асарлар таълиф этилган ва бизгача етиб келган. Одоб-ахлоққа оид манбалардан бири аллома Носируддин Абулқосим Самарқандий (ваф. 556/1161й.)нинг «Риёзат ал-ахлоқ», яъни «Ахлоқий тарбия» асаридир. Бу

асар XII асрда ёзилган бўлиб, бизга маълум қўлёзма нусхаси 868/1562 йилда номаълум хаттот томонидан кўчирилган. 1268/1842 йилда Малик Муҳаммад Ҳасан ибн Ҳамза Зоҳир шахсий кутубхонасига киритилган. Манба 71 varaқ, яъни 142 саҳифадан, ҳар бир саҳифа эса 21 сатрдан иборат бўлиб, араб тилида, настаълиқ хатида ёзилган. Китоб саҳифалари рақамланмаган. Шу боис ҳар бир саҳифанинг охирида кейинги саҳифанинг биринчи сўзи ёзилган, яъни пойгирланган. Унвони (боб ва мавзулари) алоҳида ажратилиб, қора ёки қизил ранг билан бўрттириб ёзилган. Ҳошияси йўқ. Аммо айрим саҳифаларида қўшимча ёки тўғрилашлар учрайди. Манба «Аллоҳга ҳамд айтиш» билан бошланиб, «ҳижрий 868 йилнинг шаъбон ойида», – деб якунланади [8]. Манбанинг биринчи саҳифасига эса асарнинг номи «Риёзат ал-ахлоқ» ва унинг муаллифи Носируддин Абулқосим Муҳаммад бин Юсуф ал-Маданий ал-Ҳасаний, деб қизил рангда ёзилган [8:1^а].

Аллома нафс тарбияси нима учун керак деган саволга асарнинг кириш қисмида: «Ахлоқни поклаш инсоннинг бу дунёда бахт-саодатга ва охират кунида эса нажотга эришишига сабаб бўлади», – деб айтади. Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятини далил қилади: «**Нажот топувчи одам, ҳақиқатан, (куфр ва гуноҳлардан) пок бўлур ва Парвардигорининг исмини ёд этиб, (беш вақт) намоз ўқир**» [1;591 б.].

Кейин «Риёзатнинг тартиби» номли фаслда ўз ахлоқини сайқаллашни хоҳлаган инсон, биринчи навбатда, Аллоҳнинг розилигига эришишни мақсад қилиши ва риёзат чекишни У (Аллоҳ)ни зикр қилишдан бошлаши лозимлиги айтилади. Бу билан инсон қалби хотиржам бўлиб, ором олади. Қалби хотиржам инсон эса шошишдан ва тойилишдан холи бўлиб, бир ишни бошлашдан олдин ўйлаб, ўзига яқин инсонлар билан маслаҳатлашиб, кейин у ишга киришади. Шундагина керакли натижага эришади.

Тарбияни эса инсоннинг ёшлигидан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу биринчи навбатда ота-онанинг зиммасида бўлади. Шу сабабли Носируддин Самарқандий асарнинг «Риёзат ас-сибён» (Болалар тарбияси) деб номланган фаслида бу ҳақида алоҳида тўхталиб ўтади. Ва айтадики: «Бола ота-она учун Аллоҳнинг берган омонатидир. Инсон ҳаёти бамисоли бир оппоқ varaқ бўлиб, у ҳаёти давомида унга турли нақшлар чизади ва ҳар хил ёзувлар ёзишга ҳаракат қилади. Аммо инсоннинг бу

Ахлоқ, одоб тушунчалари инсоният тарихида азалдан мавжуд бўлиб, бу тушунчалар инсон камолоти ва шахсияти шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Дунё тарихида бу мавзуга оид кўплаб асори-атиқалар, асарлар, китоблар, моддий ва маданий ёдгорликларни учратиш мумкин. Айниқса, шарқ халқлари тарихида бундай манбалар жуда кўплаб топилади. Уларда инсон руҳий тарбияси ва ахлоқий камолоти бош ғоя саналиб, унинг асосини тасаввуф илми ташкил этади. Бу илм ислом илмлари орасида алоҳида илм соҳаси сифатида дастлаб IX–XI асрларда зоҳидлик мактаби кўринишида шаклланган бўлса, XII–XIII асрларга келиб эса унинг асосий тартиб ва қоидалари ишлаб чиқилган тасаввуф тариқатлари кўринишида юзага келди. Шунингдек, тариқат вакиллари томонидан руҳий таълим ва тарбия борасида кўплаб асарлар таълиф этилди.

Айнан шу XII асрда ёзилган инсон таълим-тарбияси ва руҳий камолотига бағишланган асарлардан бири аллома Носируддин Абулқосим Самарқандий (ваф. 556/1161й.) нинг «Риёзат ал-ахлоқ» (Ахлоқий тарбия) асаридир. Бу асар ахлоқ тарбиясига оид муҳим манба бўлиб, унда одоб ва ахлоқ тушунчалари, ахлоқий тарбиянинг моҳияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилади. Асар икки қисмга ажратилиб, улар ахлоқ ва одоб бўлимлари бўлиб, одоб бўлимида ижтимоий муносабатларда амал қилиниши лозим бўлган одоб қоидалари баён этилади. Ахлоқ қисмида эса яхши ва ёмон ахлоқ нормалари ҳақида бирма-бир сўз боради. Шунингдек, ахлоқ нормалари араб алифбоси тартибида бирин-кетин келтирилади.

Ушбу мақолада «Риёзат ал-ахлоқ» асари ва унинг манбашунослик таҳлили, унда келтирилган ахлоқ, одоб ва ахлоқий тарбия тушунчаларининг мазмун-моҳияти, шунингдек, асарда мавжуд тасаввуфий-ахлоқий тушунчаларнинг тарбиявий аҳамияти ва уларнинг бугунги кундаги ўрни тарихий, қиёсий-таҳлилий методлар асосида тадқиқ этилган.

Такие понятия как – нравственность и воспитание существовали испокон веков в истории человечества, также они играют важную роль в достижении людьми совершенства. В мировой истории на эту тему были написаны многие произведения, книги, трактаты, а также имеются материальные и культурные памятники. В истории народов Востока можно встретить обилие источников на вышеуказанную тему. В этих источниках главной идеей является – достижение человечеством совершенства посредством духовного и нравственного воспитания, и основой этой идеи считается – суфизм. Первоначально суфизм возник как аскетическая школа в IX – XI веках отделившись от других исламских наук, а в XII – XIII веках были составлены его основные каноны и порядки, которые впоследствии, становятся как отдельное суфийское направление. Также со стороны суфийских деятелей были написаны многие произведения о духовном воспитании.

В XII веке было написано произведение «Рияд ал-ахлак» («Нравственное воспитание») которое принадлежит перу Насируддина Абулқасима Самарқанди (умер 556/1161 г.). В этом произведении особое внимание уделяется понятиям – «Нравственность и воспитание», также говорится о сути нравственного воспитания, будучи важным источником вышеуказанных понятий. Само произведение было разделено на следующие две части: нравственность и воспитание. В первой части по одному перечисляются хорошие и плохие нормы нравственности, также в арабском алфавитном порядке приводятся сами нравственные нормы. А во второй части говорится о правилах воспитанности в общественных отношениях, которые обязательно должны соблюдаться.

Эта статья является результатом источниковедческого исследования труда «Рияд ал-ахлак», в которой приводятся суть и смысл таких понятий как – нравственное и вежливое воспитание, также значения приведенных в произведении суфийских нравственных понятий и их роль в наши дни.

The concept of morality and upbringing has existed since ancient times in human history, and these concepts play an important role in the formation of human perfection and personality. It is possible to find many works, books, material and cultural monuments of this theme in the history of the world. Especially, there are many such sources in oriental peoples' history. The main idea of these works is considered a person's spiritual upbringing and moral perfection and its' basis constitute the subject of tasawwuf. This science was formed as an area of special science among the Islamic sciences in the 9th-11th centuries in the form of Asceticism school, and in the XII-XIII centuries its basic rules emerged in the form of Sufism. In addition, many works in the area of spiritual education were written by tariqats' scholars.

One of the works dedicated to human education and spiritual perfection in the 12th century was «Riyadh ul-ahlaq» (Upbringing morality) by Nasiruddin Abulqasim Samarkandiy (556/1161). This work is an important source of moral education, in which the concept of morals and the essence of ethical education is emphasized. The work is divided into two parts, which are sections of ethics and morality, first section describes the rules of behavior that must be observed in social relations. In the moral section, there is a full discription about good and bad morals. Moral standards are also given in Arabic alphabet order one by one.

This article analyzes the essence and significance of the work «Riyadh ul-ahloq» and its source-analysis, the essence and meaning of the morality, ethical concepts as well as the significance of the sufi-moral concepts in it, and their role in today by using historical, comparative and analytical methods.

нақш ва ёзувлари ўчиб кетади. Фақатгина ўз боласининг қалбига ёзган ёзувлари ва унга чизган ахлоқий нақшлари инсонни ўзига бу дунёда ҳам, охирада ҳам қайтади. Шу сабабли ҳам ҳар бир ота-она ўзининг оқ қоғоз мисоли фарзандига қандай нақш ва ёзувлар чизишига, яъни таълим ва тарбия беришига эътибор қаратиши лозим бўлади» [8;4^б].

Аллома Самарқандий ўз асарини шартли равишда икки қисмга: «Китоб ал-одоб» (Одоб китоби) ва «Китоб ал-ахлоқ» (Ахлоқ китоби)га бўлади. «Одоб китоби»да аввало, илм оловчи шогирд ва илм берувчи муаллимнинг қандай одобларга риоя қилиши лозимлиги келтириб ўтилади. Хусусан, толиби илмга нафсини ахлоқий ғаразлардан поклаш, илм олишда дунёвий мақсадни умид қилмаслик, устозини ва илмни ҳурмат қилиш, устозининг олдида ўзини хор тутиш ва туғёнга кетмаслик, илм олиш барча пайғамбар ва авлиёларнинг йўли эканлигини эсдан чиқармаслик лозим бўлади. Чунки пайғамбар ва уламолар ўзларининг мартаба-лавозимлари ёки мол-дунёлари билан эмас, балки уларга берилган илм билан саодатли бўлганлар. Аллома Самарқандий бу борада Қуръондаги Мусо алайҳиссалом қиссасига ишора қилади: «**Мусо ўз йигитига** (шогирди Ювшаъ ибн Нунга): «**То икки денгиз қўшиладиган ерга етмагунча ёки узоқ муддат кезмагунча юришдан тўхтамайман**», – деган пайтини эслангиз!» Бунга сабаб Мусо алайҳиссалом бир куни ўз қавми ҳузурда таъсирли ваъз ўқийди. Шунда бир киши ундан: «Ҳаммадан олимроқ киши ким?» – деб сўраганда у: «Мен» – деб жавоб қилади. Бу Аллоҳга хуш келмайди ва унга «Сендан кўра олимроқ киши бор», – дейди. Мусо алайҳиссалом: «Уни қайси ердан топаман?» – деганида, «Бир балиқни саватчага солиб, денгиз бўйидан юриб борсан. Балиқ йўқолган жойда уни топасан», – дейди. Балиқни саватчага солиб, уни шогирди Ювшаъ ибн Нун қўлига бериб йўлга равона бўладилар. «Айнул-ҳаёт» деган жойда ухлашганда балиқ денгизга тушиб, ғойиб бўлади. Кейин Хизр алайҳиссаломни топиб, ундан биламаган нарсаларини ўрганади [1:300]. Демак, толиби илм қандай мартаба ёки насл-насаб соҳиби бўлишидан қатъи назар, манманлик ва кибрдан ўзини сақлаши, илм талаб қилишда тавозеъ ва мулоимликни ўзига касб қилиб олиши зарур бўлади [8;7^а].

Шунингдек, аллома илм берувчи муаллим ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб: «Устозлар ўқувчиларига

ўз фарзандлари каби меҳр-шафқатли бўлиши лозим. Ўзи ҳам гўзал ахлоқ соҳиби бўлиш билан бирга ёмон хулқ ва одатлардан холи бўлиши талаб этилади. Устознинг берган илми бу дунёда кўпчиликка манфаат етказса, охирада ўзи ва бошқаларга савоб келишига сабаб бўлади», – деб айтиб ўтади [8;7^б].

Бу мавзулардан сўнг Носируддин Самарқандий инсонларнинг кундалик ишлари ва фикрвий амаллари борасидаги одобларни бирма-бир санаб ўтади. Уларга таҳорат, намоз, закот, садақа, рўза, Қуръон ўқиш, дуо қилиш, кечаси таҳорат билан ухлаш, таомланиш, зиёфат, талоқ, савдо ва тижорат, суҳбат ва биродарлик, оилавий яшаш, касал бўлиш, жаноза, сафар ва бошқа шу каби одоблар киради. Хусусан, рўза тутиш одоби ҳақида тўхталиб, Самарқандий рўзадорларни уч тоифага бўлади: «Биринчи тоифа ом (оддий мусулмон)ларнинг рўзаси – бунда рўзадор эрталабдан кечга қадар емоқ, ичмоқ ва жинсий яқинлик қилмоқдан ўзини сақлайди. Иккинчи тоифа хосларнинг рўзаси бўлиб, унда рўзадор емоқ, ичмоқ ва жинсий яқинликдан тийилиш билан бирга тана аъзолари билан гуноҳ қилишдан сақланади ва шу билан бирга кимдир унга тили ёки қўли билан озор берган бўлса, уни авф этади. Учинчи тоифа эса хосларнинг хоси бўлиб, бунда рўзадор Аллоҳ таоло ва унинг ризосидан бошқа барча нарсаларни тарк этади» [8;8^б].

Беморлик одоби борасида аллома шундай дейди: «Чиройли сабр қилиш, нолиш ва инграшни кўпайтирмаслик, чиройли сабр қилиш ва, албатта, Аллоҳ таолога таваккал қилиб, унинг дардига шифо беришига ишониш ҳамда хайрли дуо қилиш беморликнинг одобидир» [8;8^б].

«Одоб китоби»даги ижтимоий одобларга таъриф берилганидан кейин «Ахлоқ китоби»га ўтилади. Ахлоқ бу инсонлар орасида намоён бўладиган кишининг хатти-ҳаракатлари мажмуи бўлиб, улар яхши ва ёмон хулқларга ажралади. Абулқосим Самарқандий бу хулқларнинг биринчи ҳарфларига эътибор қилган ҳолда араб алифбосига мослаб бобларга бўлиб, унга мос хулқларни кетма-кет санаб ўтади ва атрофлича шарҳлаб беради. «Ахлоқ китоби» араб алифбосининг биринчи ҳарфи – «Алиф» ҳарфи боби билан бошланиб, дастлаб бу бобда «الاستكبار» – «Кибрланиш» ахлоқи ҳақида сўз боради. Аллома: «Кибрланиш – бу кишининг ўз нафсида такаллуф ва мағрурликни касб қилиб олиши ва ички ва ташқи ҳолатида ўзини бошқалардан устун

қўйишидир», – деб таърифлайди [8;16^a]. Асарда кибр мавзусига алоҳида эътибор қаратилиб, унда кибрнинг келиб чиқиш сабаблари, турлари, кибрли инсонларнинг ахлоқи ва манманликнинг дунё ва охиратда келтирадиган зарарлари борасида айтиб ўтилган. Чунки ҳамма ёмонликларнинг бошланиши инсон ўзини бошқалардан улуғ ҳисоблаб, уларни менсимасликдан келиб чиқади. Натижада кибрли инсон қилаётган ишларини тўғри деб ўйлаб, яқинларининг маслаҳатлари ва насиҳатларига қулоқ солмай, ўзини ҳар бир ишда ҳақ деб ўйлайди. Бу эса аввало кибрланган кишининг ўзига, қилаётган ишига, кейин эса унинг атрофидаги жамият аъзоларига зарар етказади.

Шунингдек, бу бобда «исор» (ўз манфаатидан бошқаларни афзал кўриш), «истеҳзо» (масхара қилиш), сирларни фош этиш, ихлос, вакил бўлиш, инсонийлик каби хулқлар келтирилган.

«Ба» ҳарфи боби бахиллик мавзуси билан бошланиб, беадаб сўкиниш, бекорчилик ва ношукрлик каби мавзулар ҳақида сўз боради ва бундай иллатлар қораланади. Хусусан, беадаб сўзларни айтиб сўкиниш инсон ўз нутқ кучи ва ақл қувватида фаҳш нарсаларга тобе ҳамда ёмон хулқ соҳиби эканлигига далил бўлади [8;21⁶]. Бекорчилик инсоннинг дангасалиги бўлиб, меҳнат қилмасдан, машаққат чекмасдан, текиндан келадиган нарса билан кун кўришга ўрганиб қолишдан ҳосил бўлади. Бу эса бекорчи инсоннинг ҳар хил бузуқ ишлар билан машғул бўлишига, охир оқибатда эса бошқаларнинг қўлига қараб, уларга қул бўлишига сабабчи бўлади.

«Та» ҳарфи бобида Носируддин Самарқандий тавозе, тавҳид, таваккул, мақтанчоқлик, чуқур кетиш, такалуф, ўйламасдан гапириш, менсимаслик, иккиюзламачилик, тўқлик, фаровонлик, хушмуомалалик каби мавзуларни таърифлайди. Хусусан, хушмуомалалик мавзусида бу – бағрикенглик ва кечиримлиликдан иборат хулқ, деб аталади [8;25⁶].

Асарда ахлоқий тушунчалар юқоридаги сингари бобларга, ҳар бир боб унга тегишли мавзуларга ажратилиб баён этилади. Бу билан аллома кишиларнинг феъл-атворларида учрайдиган яхши ва ёмон хулқларни кўрсатиб беришга, уларнинг моҳиятини очишга, инсонларни ёмон иллатлардан огоҳ қилиб, ҳусни хулқ ва чиройли фазилатлар билан хулқланишга чорлайди.

Одоб ва ахлоқ тушунчалари луғавий жиҳатдан бир-биридан фарқли тушунчалар ҳисоблансада,

уларни алоҳида тасаввур қилиб бўлмайди. Улар бири-бирини тўлдиради. «Одоб» сўзи араб тилидаги «маъдаба» ўзагидан олинган бўлиб, «одамлар даъват қилинадиган зиёфат», – деган маънони билдириб, унинг асосида ахлоқий тамойиллар, меъёрлар, эстетик идеал талаблари ётади [2;12 б.]. «Ахлоқ» сўзи эса араб тилидаги «хулқ» сўзининг кўплиги бўлиб, лотин тилида «moralis» – «хулқ-атвор», деб юритилади. Мазкур атама кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, юриш-туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўзаро муносабат, шунингдек, жамиятга бўлган муносабатларни тартибга солиб турадиган барқарор, муайян меъёр ва қоидалар йиғиндиси ҳисобланади [7;48 б.].

Мусулмон шарқ жамиятида одоб-ахлоққа алоҳида илм соҳаси сифатида қаралган. Жумладан, Абдулла Авлоний ахлоқни бундай таърифлайди: «Инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдир. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладурган китобни ахлоқ дейилур» [4;96 б.].

Воиз Кошифий эса: «Инсоннинг қадр-қиммати, унинг мол-мулки ёки ижтимоий келиб чиқиши билан эмас, балки унинг маънавий қиёфаси, ахлоқий сифатлари билан ўлчанади», – дейди [6;35 б.].

Шу сабабдан Носируддин Самарқандий «Риёзат ал-ахлоқ» асарида шахсни маънавий жиҳатдан комил инсон қилиб тарбиялашга, уни жамият ва Яратганнинг ҳузурда қадр-қиммат ва обрў топишга, илм-маърифат ва ҳақиқат соҳиби бўлишга ундайди.

Ҳозирда ҳам баркамол шахсни тарбиялашда юксак маънавий фазилатларнинг устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунга, авваламбор, меҳр-мурувват, катталарга ҳурмат, меҳмондўстлик, саҳийлик, дўстона муносабат, ҳалоллик, камтарлик, меҳнатсеварлик каби тушунчалар қиради [5;5 б.].

«Риёзат ал-ахлоқ» асарида ҳам ҳилм, мулойимлик, меҳр-муҳаббат, ҳаё, яхшилик, ҳамият, ор-номус, сабр, кечиримли бўлиш каби тушунчалар улуғланади. Ҳасад, ғазаб, пасткашлик, риё, хасислик, таъна қилиш, ғийбат, зулм, адоват, ёлғон, мазах каби иллатлар қораланади. Жумладан, асарда сабр ҳақида: «У таъна қилишнинг зидди бўлиб, кишининг ҳусни хулқлари ичида энг олийси ҳисобланади. Сабр ав-

вало банданинг Аллоҳ таолонинг тоат-ибодатлари ва У зот қайтарган нарсалардан ўзини асраш жараёнида намоён бўлса, иккинчидан, инсонларга зарар етказишдан нафсни тийиш ва уларнинг жабр-ситамларига чиройли муносабатда бўлишда ўз аксини топади» [8;48⁶], – дейилади. Ҳасад эса кишининг ўзига етган неъматга шукр қилмасдан, бошқаларга берилган неъматларни ёмон кўриши бўлиб, ҳасад кишининг савобларини камайтиради ва қалбини қорайтириб, жисмоний соғлиғига путур етказилади.

Аллома Самарқандий ўз асарида тасаввуфий тушунчалар ҳақида ҳам тўхталиб, уларни батафсил шарҳлашга ҳаракат қилади. Жумладан, асарнинг «Ахлоқ китоби»да тавҳид, зикр, зуҳд, ризо, хавф ва ражо, ростгўйлик, жидду-жаҳд, жалол, жамол, сахийлик, овозни баланд кўтармаслик, дуо, ваъда, омонатдорлик, раҳмат, рағбат, қалби қаттиқлик, шаҳват, шараф, шавқ, шукр, шавкат, иззат, авф, уъжуб, ғулув, ғурур, фаҳш, қаноат, қусур, қиём, мадҳ, муроқаб, муҳосаба ва бошқа шу каби тушунчалар атрофлича баён этилган.

Хусусан, зуҳд дунёдан юз ўгириш бўлиб, унинг алдамчи ва ёлғон васвасаларидан нафсни асрашдир [8;42⁶]. Зоҳидликдаги дунёни тарк этиш деганда, қалбни унга муҳаббат ҳосил қилишдан сақлаш тушунилади. Банда дунё неъматларини тарк этишда ихтиёрий бўлиб, кимдир уни буткул тарк этиб, яна кимдир уни тарк этмасдан зуҳд қилади. Бунда банда тариқат устозининг маслаҳати ва ўзининг мижозидан келиб чиқиб қарор қабул қилади. Зикр эса Аллоҳни эслаш бўлиб, у билан банданинг қалби хотиржам бўлади. Аллоҳ таоло ўз бандаларини зикр қилишга амр этади: «**Бас, Мени ёд этингиз, (Мен ҳам) сизларни ёд этурман**». Яъни, «Мени гуноҳларингизга тавба қилиш, ҳожатларингизни сўраш, ихлос-эътиқод, илтижо ва муножот билан ёд этингиз, Мен сизларни кечирим, ҳожатбарорлик, нажот, ижобат ила ёд этурман» [1;23 б.].

Қаноат борасида Абулқосим Самарқандий шундай дейди: «Қаноат бу – ўзига зарур бўлмаган нарсдан ўзини тийиш ва унга тегишли бўлмаган нарсага таъна қилишни тарк этишдир» [8;61⁶]. Демак, қаноатли инсон кераксиз амал ва нарсалардан ўзини сақлайди. Вақтини фойдали ишлар билан ўтказишга ҳаракат қилади. Шу билан бирга бошқа инсонларнинг қўлидаги амал, ёрдам ва буюмлардан умид қилмайди. Уларга ўзининг кучи ва Яратганининг ёрдами билан эришишга ҳаракат қилади.

Инсонларнинг, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий етук, комил инсон бўлиб шаклланишида ахлоқий тарбия муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунга келиб эса инсонларнинг ахлоқий тарбияси жамият ҳаётидаги муҳим вазифалардан бирига айланди. Халқаро жамиятлар, ташкилотлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари бу борада ўзларининг турли қонун ва дастурларини қабул қилиб, уларни ҳаётга татбиқ этмоқда.

Ўзбекистонда ҳам бу соҳада қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури»нинг моҳияти баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган бўлиб, унда биринчидан, ёшларда Ватанга ва халққа муҳаббат, юрт фаровонлиги учун курашиш, инсонпарварлик, ўзликни англаш, миллий ғурур, миллий ифтихор, ўзга миллат кишилари ва уларнинг кадриятларини ҳурмат қилиш каби фазилатларни шакллантириш ва иккинчидан, ёшларда виждон эркинлиги, билимдонлик, ахлоқлилик, жисмоний етуклик ва мустақил фикрни камол топтириш ва бошқа шу каби вазифалар белгилаб қўйилган [3;147 б.].

Бу вазифаларни белгилаш ва амалга оширишда тарихий шахсларнинг ҳаёти ва илмий меросидан истефода этиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, аллома Носируддин Абулқосим Самарқандийнинг «Риёзат ал-ахлоқ» асари ва унда баён этилган ахлоқий-тасаввуфий тушунчаларни илмий тадқиқ этиш ва уларни ёш авлод тарбиясида, жамият аъзолари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда амалиётга жорий этиш айни муддао бўлади. Қолаверса, олимнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш, айниқса, «Риёзат ал-ахлоқ» асарининг қўлёзма нусхаларини аниқлаб, илмий муомалага киритиш манбашунос ва ахлоқшунос олимларнинг олдида турган муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Qur'oni karim ma'nolarining tarjima va tafsiri / Tarjima va tafsir muallifi: A.Mansur. –Т.: «Toshkent islom universiteti» nashriyot-matbaa birlashmasi. 2008. – 624 б.
2. Abdulla Sher. Axloqshunoslik. – Т.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2010. – 231 б.
3. Buyuk va muqaddassan, mustaqil Vatan: O'zbekistonning 20 yillik mustaqil taraqqiyot yo'lida kiritgan yutuq va natijalari, mamlakatimizning

salohiyati va ahamiyatini aholining keng qatlamlariga yetkazish, joylarda tashkiliy-amaliy, madaniy-ma'rifiy tadbirlar, targ'ibot va tashviqot ishlarini amalga oshirish uchun mo'ljallangan / O'zR oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zR mahalla jamg'armasi; mas'ul ijodiy guruh. Bekmurodov A.SH. va boshq. – T.: O'qituvchi, 2011. – 200 b.

4. Ziyomhammadov B., Ismoilov F. Barkamol avlodni voyaga yetkazish sirlari. – T.: Sano-standart, 2011. – 346 b.

5. Mavrulov A. Ma'naviy barkamol avlod tarbiyasi. – T.: O'zbekiston, 2008. – 80 b.

6. Mahkamov U. Axloq-odob saboqlari. – T.: Fan, 1884. – 28 b.

7. Ma'naviyat: asosiy tushunchalar izohli lug'ati / Tahrir hay'ati: Sultonov X. va boshq.; tuzuvchi va mas'ul muharrir Nazarov Q. – T.: G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, 2008. – 436 b.

8. Nosiruddin Abulqosim Samarqandiy. «Riyozatul axloq» asari. Malik Muhammad Hasan ibn Hamza Zohir shaxsiy kutubxonasi. Qo'lyozma. Inventar raqami berilmagan. – 868/1562. – 71 v.

